

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ

Геодезия, картография ва кадастр бакалавриатура

таълим йўналиши

“Геодезия ва ер кадастри” кафедраси

«Ҳимояга рухсат этилсин»

кафедра мудири

_____ доц. Қ.Р.Рахмонов

«___» _____ 2013 й.

**“Тошкент вилояти Пискент туманидаги “Ўзбекистон
мустақиллиги” массивида картография-геодезия
кадастрини юритиш” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

О.Х.Назиров

Раҳбар:

Б.Каримов

Тошкент –2013

Мундарижа

Т/р.	Ишнинг таркибий қисмлари	Бет
1	Битирув малакавий ишининг топшириғи	3
2	Битирув малакавий ишининг дастури	5
3	Кириш	7
4	I-БОБ. 1-боб. Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массиви тўғрисида умумий маълумот.	10
5	II- БОБ. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картографик-геодезия кадастрини юритишнинг услубияти.	18
6	III-БОБ. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш натижалари.	35
7	Хулоса	50
8	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	52
9	Иловалар	56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ
Геодезия ва ер кадастри кафедраси**

«Тасдиқлайман»
кафедра мудири доц.
_____ Қ.Р.Рахмонов
«__»_____ 2013 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба **Назирова Ортиқ Хатмқулович**

Битирув малакавий ишининг мавзуси : “Тошкент вилояти Пискент туманидаги “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш” “__” __ 20__ йил №2 -сон кафедра мажлисида маъқулланган.

Битирув малакавий ишини топшириш муддати «__» __ 2013 йил

1. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар : Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар Массивнинг табиий-иқтисодий шароитлари ҳақида маълумотлар. Массив ерларининг тархи.

2 Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1. Кириш. 2. 1- боб Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массиви тўғрисида умумий маълумот. 3. 2- боб. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш услубияти. 4. 3- боб “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш натижалари. 5. Хулоса. 6.Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати 7.Иловалар.

3 Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. Тошкент вилояти Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массивининг ер ва ер турларининг амалдаги жойлашув тархи

2. Массивда картография-геодезия кадастрини юритиш харитаси

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5
1	ХФХ			

7.Битирув малакавий ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширувдан ўтганлик муддати
		Сана	куни	%	
1	<i>БМИни бажариш учун топириқ олиш ва ишчи дастурни ишлаб чиқиш</i>	01.04.2013	1	2	01.04.2013
2	<i>1-боб. Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массиви тўғрисида умумий маълумот.</i>	02-12.04.13	11	18	12.04.2013
3	<i>Тошкент вилояти Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массивининг ер ва ер турларининг амалдаги жойлашув тархини чизиш</i>	13-15.04.13	3	5	15.04.2013
4	<i>2-боб. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш.</i>	16.04-30.05	15	25	30.04.2013
5	<i>3-боб. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш натижалари.</i>	01-16.05.13	16	26	16.05.2013
6	<i>Массивда картография- геодезия кадастрини юритиш харитасини чизиш</i>	17-23.05.13	7	11	23.05.2013
7	<i>Хулоса ёзиш, фойдаланилган адабиётлар ва манбаълар рўйхатини тузиш</i>	24-28.05.13	5	8	28.05.2013
8	<i>БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш</i>	29-31.05.13	3	5	31.05.2013
	<i>Жами</i>		61	100	

Битирув малакавий иши раҳбари

Топшириқни бажаришга олдим

Топшириқ берилган вақти

О.Х.Назиров

Б.Каримов

«__»_____2013й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ
Геодезия, картография ва кадастр бакалавриатура
таълим йўналиши**

Геодезия ва ер кадастри кафедраси

*«Тасдиқлайман»
кафедра мудири
_____ доц.Қ.Р.Рахмонов
«__» _____ 2013 й.*

“Тошкент вилояти Пискент туманидаги “Ўзбекистон
мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини
юритиш” мавзусида бажариладиган битирув малакавий
ишининг

И Ш Ч И Д А С Т У Р И

Бажарувчи:

О.Х.Назирова

Раҳбар:

Б.Каримов

Тошкент –2013

Кириш

1. Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати
2. Туманда картография-геодезия кадастрини юритиш.
3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

1-боб. Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массиви тўғрисида умумий маълумот.

- 1.1.1. Иқлими.
- 1.1.2. Рельефи
- 1.1.3. Тупроқлари.
- 1.2 Массивнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари таснифи.
- 1.2.1 Аҳоли яшаш жойлари тавсифи
- 1.2.2 Деҳқончилик тавсифи.
- 1.2.3 Массивда ердан фойдаланиш ҳолати.
- 1.3 Чорвачилик тавсифи.

2-боб. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш услубияти.

- 2.1 Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартиби
- 2.2 Харита, план, график ва автосуратлар бўйича тушунча.
- 2.3 Геодезия – картография давлат кадастрининг мазмуни , таркибий қисмлари ва тамойиллари.
- 2.4 Транспортдан фойдаланганда хавфсизликни таъминлаш

3-боб. “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш натижалари.

- 3.1 Геодезия-картография давлат кадастрини юритиш.
- 3.2 Картографик генерализация ишларини олиб бориш
- 3.3 Ер кадастрини юритишда геодезик ва картографик маълумотлардан фойдаланиш

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

Иловалар

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасини мустақиллиги давлат сифатида дунё хамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини таниётганлигини, мамлакатда эса бозор иқтисодиётини қарор топаётганлиги ўз навбатида геодезия – картографияга оид ишларга бўлган талабни кескин оширмоқда. Негаки яратилаётган давлат кадастрлари ягона тизимлари барча кадастрлар биринчи навбатда геодезия – картография материаллари (маълумотлари) билан таъминланиши зарур. Бундан ташқари, давлат чегараларини аниқлаш, уларни демократия қилиш ҳамда дахлсизлигини таъминлаш, халқ хўжалиги мақсадлари учун турли туман юқори сифатли план – картографик материаллар тайёрлаш ҳам айнан геодезия – картографияга оид ишларни кенг қўламда олиб бориш заруриятини туғдиради.

Асосий кадастрнинг вазифаси геодезия ва картографияга оид ишларнинг хўжалик ҳамда ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни бирламчи сифатида олиш ва қабул қилинган кадастр ҳужжатларида ёритишдан иборат.

Қайд қилиш зарурки, геодезия – картографияга оид ишлар, жумладан картографик материаллар маълум вақт ўтиши билан эскиради.

Картографик материаллардаги ҳолатлар ўзгаради. Қанчалик кўп вақт ўтадиган бўлса бу материалларнинг эскириши шунча кўп бўлади. Ушбу кадастр материалларини (маълумотларини) шу куннинг талаби даражасида ушлаб туриш учун ва бу ўзгаришларни кадастр ҳужжатларида ўз вақтида ёритиш мақсадида жорий (кундалик) кадастр ишлари ўтказилади.

Ер кадастрини картографиялаш ўзига хос хусусиятларга эга. Чунки ер кадастри мураккаб ҳудудий ишлаб чиқариш тизимини шакиллантиради. Уни тавсифлаш учун кўп кўрсаткичлар мажмўйи қўлланилади. Картада тармоқлар ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши структурасини, унинг морфологик, типологик ва функционал хусусиятларини тасвирлаш зарурдир.

Шунинг учун, битирув малакавий ишида «Ўзбекистон мустақиллиги» массиви ҳудудида картография-геодезия кадастрини юритиш масалалари кўриб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг объекти ва мақсади.

Битирув малакавий ишини бажариш учун Тошкент вилояти Пискент туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» массивини асосий объект қилиб танланди.

Битирув малакавий ишини бажариш учун амалиёт даврида тўпланган материаллар, меъёрий хужжатлар, махсус адабиётлар ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

1-бобда Пискент тумани “Ўзбекистон мустақиллиги” массиви тўғрисида умумий маълумот. 2-бобда “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш услубияти ҳамда 3-бобда “Ўзбекистон мустақиллиги” массивида картография-геодезия кадастрини юритиш натижалари масалалари кўриб чиқилган.

Битирув малакавий иши, кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати, илова ва чизма қисмлардан иборат ҳолда бажарилди.

***1-боб. Пискент тумани “Ўзбекистон
мустақиллиги” массиви тўғрисида умумий
маълумот.***

1.1 «Ўзбекистон мустақиллиги» массиви ҳудудининг табиий иқтисодий шароитлари «Ўзбекистон мустақиллиги» массив шимол қисмида Тошкент шаҳри ерлари, шимолий-шарқда «Замин» массиви ерлари билан, Олмалик тумани ерлари шарқда жанубий чегаралари «Озодлик» массив, ғарбий томондан 4-сонли касб хунар коллежи ерлари билан чегарадош. Массивда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи сабзавотчилик ҳисобланади. Ёрдамчи ва қўшимча тармоқларга полизчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва узумчилик киради. Массив туман марказидан 6 км, вилоят марказидан 18 км узоқликда жойлашган.

1.1.1. Иқлими. Массив жойлашган туман ва вилоят иқлими кескин континентал иқлим бўлиб асосий деҳқончилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун анча қулай ҳисобланади.

Кўп йиллик об-ҳавони кузатишдан маълумки, бир йиллик ўртача ҳарорат бу ерда $18-20^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади ва энг иссиқ даврда ҳавонинг ҳарорати $+43 - +45^{\circ}\text{C}$ ни, энг совуқ даврда эса $-23 - -26^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади.

Бир йиллик ҳароратнинг тебраниши 66 даражани ташкил этгани ҳолда, вегетация давридаги фойдали ҳарорат йиғиндиси $2220-2260^{\circ}$ ташкил этади.

Пискент туманида, жумладан «Ўзбекистон мустақиллиги» массивида совуқ кунлар миқдори 71 кунни ташкил этади. Қишнинг (ноябрнинг иккинчи ярми, декабрь, январь, февраль, мартнинг биринчи ярми) 26% даврида тупроқнинг ҳолати бўйича унга ишлов бериш мумкинлиги аниқланган. Тупроқнинг энг чуқур музланиш даври баъзида 28 – 50 см ташкил қилади. Совуқсиз кунлар 200 – 210 кунни ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат массивда март ойининг бошларига тўғри келади. Массив ҳудудида йил давомида ёғингарчилик кам бўлади ва 80-100 ммни ташкил қилади. Энг кўп ёғингарчилик баҳор ойларида бўлади. Ёз ойида умуман ёғингарчилик бўлмайди.

Шамолнинг бир йиллик ўртача тезлиги 4-5 м/сек ни ташкил этади. «Ўзбекистон мустақиллиги» массиви умуман иқлим шароити бўйича пахта етиштиришга қулайдир. Қуйида 1-жадвалда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал

«Пискент» метеостанциясининг маълумотларига асосан иқлимнинг асосий кўрсаткичлари

Ойлар												Ўртача иқлим
	I	II	V		I	II	III	X		I	II	
Ҳавонинг ўртача ойлик ҳарорати, C ⁰												
4,2	1,5	,6	4,5	1,0	5,3	4,4	4,9	8,8	1,1	,0	1,5	2,4 ¹
Ўртача ойлик намгарчилик миқдори, мм												
0		8	0								2	8 ⁸ ,2

1.1.2. Рельефи. Массивнинг рельефи қуйидаги элементлардан ташкил топган:

- 1) текисликдаги майдонлар;
- 2) косасимон паст текисликлар;
- 3) тўлқинсимон текисликлар.

Текширилган ерлардаги тупроқларнинг механик таркиби сизот сувлари сатҳи ва уларнинг минераллашганлик даражасига шу рельеф турларининг тузилишига бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб массив худудининг рельефи кўп жойларда текисланган майдонлардан ташкил топган.

1.1.3. Тупроқлари. Массив ерларида қуйидаги генетик гуруҳга кирувчи тупроқлар учрайди: қадимдан, суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи тақирсимон, суғориладиган тақирсимон воҳали ва бошқа турли даражада шўрланган

тупроқлар тарқалган. Ўрганилган турли тупроқларнинг кимёвий таҳлил натижалари, улардаги тузлар таркиби, миқдори ва сифати массив учун тузилган тупроқлар шўрланиш картограммасида ва унга тегишли экспликацияда аниқ кўрсатилган. Массив ерларидаги шўрланишининг асосий манбайи, турли даражадаги минераллашган сизот сувлари ҳисобланади. Уларнинг иссиқ кунлар даврида буғланиши натижасида суғориладиган ерларда ҳар хил кўринишга эга бўлган шўрланиш майдонлари ҳосил бўлади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқларнинг шўрини ювиш учун массивдаги ва массивлараро бўлган коллектор, зовур ва дренажларнинг чуқурлигини 2,5-3,0 м чуқурликка етказиб, уларнинг оқавалигини яхши таъминлаш лозим. Бу ишларни комплекс агротехник ва мелоратив тадбирлани қўллаш билан амалга ошириш мумкин. «Ўзбекистон мустақиллиги» массивининг ерлари асосан, Чирчиқ дарёси орқали суғорилади. Массивнинг сув билан таъминланиши ўртача. Суғориладиган ерларнинг ўртача балл бонитети 65 балл.

Массивнинг барча майдонлари суғориш тармоқлари билан етарлича яхши таъминланган. Массив ичида қурилган суғориш каналларининг асосий камчилиги шундан иборатки, ушбу тармоқлар асосан ерда қазилган, турли инженерлик – гидротехник иншоотлар билан кам таъминланган. Суғориш каналларининг ўртача йиллик фойдали иш коэффициенти (ФИК) 0,60 - 0,65 ташкил этади, яъни умумий сув миқдорининг 35 - 40% исроф бўлади.

1.2 Массивнинг ижтимоий-иқтисодий шароитлари таснифи.

1.2.1 Аҳоли яшаш жойлари тавсифи. Массивнинг вилоят ва туман марказлари ҳамда маҳсулотларни қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар орқали боғланган. Массив марказидан туман марказигача 5 км, вилоят марказигача 40 км ни ташкил қилади. Мамурий ҳудудий бўлиниши бўйича массив «Ўзбекистон мустақиллиги» фуқаролар йиғинига қарайди. Ушбу фуқаролар йиғини раисининг 2012 йил 1-январигача берган маълумотларига қараганда массив ҳудудида 4 та қишлоқ мавжуд бўлиб,

ундаги мавжуд 721 хонадонда 3606 киши истиқомат қилади. Аҳоли пунктлари массивнинг шимолий, марказий ва ғарбий қисмида жойлашган. Яшаш уйларининг аксарият қисми хусусий ҳолда қурилган уй-жойлардан иборат.

Қишлоқларнинг барчаси электр энегияси билан тўла таъминланган ва газлаштирилган. Бу қишлоқ массив марказида жойлашган бўлиб, унда массивнинг бошқарув идораси, муваққат машина-трактор парки, техникани таъмирлаш устaxonаси, омбор бинолари, мактаб, болалар боғчаси, маданият саройи, магазин ва кейинги йилларда ташкил этилган кичик корхоналар мавжуд.

1.2.2 Деҳқончилик тавсифи.

Массивнинг асосий деҳқончилик тармоғи - пахтачиликдир. Бундан ташқари кейинги йилларда массивда дончилик ва сабзавотчилик ҳам ривожланиб бормоқда. Қуйидаги 2-жадвалда 2012 йилда массивдаги экинлар таркиби майдонлари келтирилган.

2-жадвал

Қишлоқ хўжалик экинлар таркибининг динамикаси

№	Экин турлари	Майдони, га
1.	Пахта	411,0
2.	Дон	400,8
3.	Полиз	15
4.	Сабзавот	65
5.	Бошқа экинлар	54
	Жами	945,2

Маълумки, қишлоқ хўжалик ерларидан айниқса суғориладиган ҳайдалма ерлардан фойдаланиш даражасини юқоридаги келтирилган экин

майдонларига экилган экинлар ҳосилдорлиги (3-жадвал) орқали ҳам аниқлаш мумкин.

3-жадвал

Массив бўйича асосий экинлар ҳосилдорлиги

№	Экин турлари	Майдони, га	Ҳосилдорли к, ц/га
1.	Пахта	411,0	26
2.	Дон	400,8	34
5.	Полиз	15	180
6.	Сабзавот	65	230
7.	Бошқа экинлар	54	
8.	Жами	945,2	

Жадвалдаги маълумотларга асосан қишлоқ массив экинларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳар йили турлича бўлган.

Кейинги йилларда рўй берган салбий оқибатлар натижасида массив ерларининг мелиоратив аҳволи ёмонлашиши ва ерларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига олиб келган. Бу эса массивда суғориладиган ҳайдалма ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш зарур эканлигини кўрсатади.

1.2.3 Массивда ердан фойдаланиш ҳолати.

«Ўзбекистон мустақиллиги» массиви 2011 йил 1 январдаги маълумотларга кўра массивнинг умумий майдони 2170,8 га бўлиб, шундан ҳайдалма ерлар 945,2 га ни, боғзор 118,7 га, токзор 7,7 га ва тутзор 4,1 га ни ташкил қилади.

4-жадвал

Массивда ер турларининг таркиби

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		га	Умумий майдонга нисбатан %	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан %
1.	2.	3.	4.	5.
1.	Ҳайдалма ерлар: Ш.ж: суғориладиган	945,2	43,5	85,8
2.	Дарахтзорлар: ш.ж: боғзор токзор терахзор тутзор	130,8 118,7 7,7 0,3 4,1	6,0	11,8
3.	Ўтлоқ ва яйловлар	26,1	1,2	2,4
4.	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	1102,1	50,7	100,0
5.	Томорқа ерлар	182,1	8,44,	
6.	Ш.ж. дала томорқа	0,1	-	
7.	Иҳота дарахтлари	0,4	-	
8.	Бугазорлар	1,1	0,1	
9.	Дарё ва сойликлар	0,1	-	
10.	Ариқлар каналлар ва зовурлар	25,7	1,2	

Юқоридаги кўрсаткичлар асосида хулоса қилиш мумкинки массив ишлаб чиқаришда асосан дехқончиликка йўналтирилган бўлиб олинган даромад шу тармоқга тўғри келади.

1.3 Чорвачилик тавсифи. Массивнинг чорвачилик ёрдамчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Чорвачилик асосан сут ва йирик шохли қорамол гўштини етиштиришга қаратилган. Қуйидаги жадвалда массивда мавжуд чорва молларининг таркиби берилган.

5-жадвал

Массивда чорва молларининг таркиби

Т/р	Моллар турлари	Бош сони	Умумий бош сонига нисбатан %
1	Соғин сигирлар	60	39,5
2	Букалар	3	2
3	Вўнажинлар	41	27
4	Бузоқлар	48	31,5
	Жами қора моллар	152	100

Чорвачиликдан олинган маҳсулотлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 5-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Чорвачилик маҳсулотларининг миқдори

Т/р	Кўрсаткичлар	Миқдори
1	Қора моллар бош сони	152
2	Жами етиштирилган гушт, т	3,6
3	Соғин сигирлар	60
4	1 та сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори, кг	1150
5	Жами етиштирилган сут, т	69,0
6	Пила	21,6

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, массивнингнинг ёрдамчи тармоғи ҳисобланган чорвачилик ҳам массив ривожига учун маълум даражада ҳиссасини қўшган.

Массивда мавжуд қора моллар сонини ва ундан етиштирилган маҳсулотлар миқдорини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, массивда ўтлоқ ва яйловларнинг ҳосилининг камлиги, чорвачилик тармоғини янада кенгайтириш имкониятларини биров чеклайди.

Рентабеллик даражаси 16,4 % га тенг. Массивда келтирилган барча маълумотларни таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, массивда ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун массивдаги ердан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, замонавий ишлаб чиқариш усуллари тadbиқ этиш учун ер тузиш тadbирларини амалга ошириш зарур.

***2-боб. “Ўзбекистон мустақиллиги”
массивида картография-геодезия кадастрини
юритиш.***

2.1 Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш тартиби

Картография-геодезия давлат кадастри "Геодезия ва картография тўғрисида", "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомга, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ушбу Низомга мувофиқ юритилади. Картография-геодезия давлат кадастри - бу Картография-геодезия давлат кадастри объектлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тўғрисидаги картография-геодезия маълумотлари, бажариладиган геодезия, топография ва картография ишлари тўғрисидаги, шу жумладан уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир. Картография-геодезия давлат кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Картография-геодезия давлат кадастрини ҳисобга олиш объектлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг барча масштаблардаги топографик хариталари;

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, шаҳарчалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг топографик режалари;

Ўзбекистон Республикасининг рақамли электрон хариталари;

Ўзбекистон Республикасининг навбатчи маълумотнома харитаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудини аэрофото ва космик суратга олиш материаллари;

Ўзбекистон Республикаси давлат геодезия тармоқлари пунктлари ва реперлари;

ер участкалари чегараларини белгиловчи чегара тармоқлари пунктлари;

геодезия пунктлари, реперлари, чегара белгилари координатлари ва баландликлари каталоглари;

геодезия, топография ва картография ишларини бажариш вақти, уларнинг бажарувчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг қиймати.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси деб юритилади) Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади. Картография-геодезия давлат кадастри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни картография-геодезия ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган. Қуйидагилар Картография-геодезия давлат кадастрини юритишнинг асосий принциплари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудини тўлиқ қамраб олиш;

кадастр ахборотларини шакллантириш методологиясининг ягоналиги;

кадастр ахборотларининг ишончилиги, кўргазмалилиги ва ҳужжатлилиги;

кадастр ахборотларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланишга қулайлиги. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш электрон ёки қоғоз манбаларда амалга оширилади. Картография-геодезия кадастрини юритиш ишларини молиялаштириш давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

Картография – геодезия давлат кадастрини юритишни ташкил этиш қуйидагича амалга оширилади. "Ергеодезкадастр" давлат қўмитасининг идоравий мансуб ташкилоти - Давлат геодезия назорати инспекцияси Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш ишларининг ижрочиси ҳисобланади. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш ишларига умумий раҳбарликни "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раиси амалга оширади. Картография-геодезия давлат кадастрини юритишни методик таъминлаш "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Давлат геодезия назорати инспекцияси:

геодезия, топография ва картография ишлари материалларининг Давлат геодезия назорати инспекциясига ўз вақтида тақдим этилишини назорат қилади;

кадастр ахборотларини шакллантириш ва тақдим этиш форматларини ишлаб чиқади, уларнинг сифатини назорат қилади;

Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимини шакллантиришни ва унинг фаолиятини таъминлайди;

Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими маълумотлар базаси тузилмасини ишлаб чиқади, маълумотлар базасининг тўғри тўлдирилишини назорат қилади;

ҳисобга олиш ва баҳолаш кадастр ахборотларини тизимлаштиради, шакллантиради ва уларни Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

кадастр ахборотларига бўлган талабни мунтазам равишда ўрганади, кадастрни юритиш технологиясини такомиллаштиришни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг картография-геодезия жиҳатидан ўрганилганлиги мониторингини юритади;

кадастр маълумотларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этади, улардан фойдаланиш тартиби ва шартларини белгилайди;

кадастр ахборотларини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлайди;

тизимлаштирилган кадастр ахборотларининг Давлат кадастрлари ягона тизимига тезкорлик билан берилишини амалга оширади.

Картография – геодезия давлат кадастрини юритиш таркиби.

Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади. Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш қуйидагилардан иборат бўлади:

Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;

геодезия, топография ва картография ишлари материалларини тизимлаштириш, кадастр ахборотларини сақлаш ва янгилаш;

рўйхатга олиш ва иқтисодий баҳолаш, реестр дафтарларини юритиш;

кадастр ахборотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор фойдаланувчиларга бериш.

Геодезия, топография ва картография ишлари материалларининг рўйхати уларнинг миқдор ва сифат тавсифларини ҳамда иқтисодий баҳосини ҳисобга олиш учун асос ҳисобланади. Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг барча турлари бошланғич рўйхатга киритилади, уларни яратиш учун биринчи марта геодезия, топография ва картография ишлари амалга оширилади, шунингдек илгари яратилган объектлар тўғрисидаги янгиланган маълумотлар ёзилади. Бунда шунингдек илгари йўқолган ва қайта тикланган геодезия белгилари ва реперлари, ишларнинг бажарувчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларни бажариш муддатлари ва қиймати ҳам ёзилади. Рўйхат натижалари бўйича ҳар қайси объект учун паспорт тузилади. Картография-геодезия давлат кадастри объектларини ҳисобга олиш хариталар номенклатураси бўйича, давлат геодезия тармоқлари класслари ва турлари бўйича, шу жумладан маъмурий-ҳудудий бўлиниш бўйича ҳамда аҳоли пунктлари бўйича алоҳида амалга оширилади. Картография-геодезия давлат кадастри объектларининг миқдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш учун Давлат геодезия назорати инспекцияси кадастр ахборотларини тақдим этишнинг техник параметрлари ва форматларини ишлаб чиқади. Ҳужжатли расмийлаштирилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган ҳисобга олиш ахборотлари реестр дафтарига ёзилади ва Картография-геодезия давлат кадастрининг автоматлаштирилган ахборотлар тизимига киритилади.

Картография-геодезия давлат кадастри объектларини иқтисодий баҳолаш геодезия, топография ва картография ишларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Картография-геодезия давлат кадастри

объектлари тўғрисидаги кадастр ахборотларининг ишончлилиги учун Давлат геодезия назорати инспекциясининг Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш зиммасига юкланган раҳбари жавоб беради.

2.2 Харита, план, график ва автосуратнинг аҳамияти.

Халқ хўжаликлари мақсадлари учун харита ва планлар таёрлаш, жойнинг профилини аниқлашда тасвирга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Жойнинг харитасини хар хил масштабда тузиш мақсадида бажариладиган геодезик ўлчамлар, тасвирга олиш (съемка) дейилади. Одатда съемкага горизантал (контурли) вертикал ва топографик турларга бўлинади. Горизантал съемка натижасида жойнинг контурли харитаси ҳосил қилинади. Вертикал съемкада жой нуқталари планли ўринлари ва баландлиги топилади ва улар бўйича участка тафсилоти ва рельефи горизонталлар билан тасвирланади. Горизонтал ва вертикал съемкалар мажмуи пологографик съемкаларни ташкил этади. Горизонтал, вертикал ва пологографик сёмкалар майдонларда ягона планли ва баландлик координаталар системалари асосида амалга оширилади.

Геодезия ўлчашлари асосида яратиладиган жойнинг плани айниқса муҳимдир. Жойнинг плани деб, унинг проекциясини горизонтал текислашда ўхшаш ва кичрайтирилган кўринишдаги тасвирига айтилади. Жой элементлари (хайдалма ерлар, боғлар, дарёлар, бинолар ва бошқалар) чегаралари кўрсатилган планлар контурли, улардан ташқари рельеф ҳам кўрсатилса, топографик планлар дейилади. Катта майдонлар учун одатда хариталар тайёрланади. Бутун ер сиртининг ва унинг катта қисмларини сатхий сирт эгрилигини ҳисобга олиб, текисликда умумлаштириб кичрайтирилган тасвири харита дейилади. План ва харита билан бир қаторда баъзан жойнинг профилини аниқлаш ҳам зарур бўлади. Берилган йуналиш бўйича жой вертикал кесимининг кичрайтирилган тасвири профиль дейилади.

Харита ва планларни яратиш учун кўпинча аэрофотосуратдан фойдаланилади, у марказий проекцияни ифодалайди, унда жой нуқталар,

нурлари аэрофотоапарат объективининг маркази бўлган бир нуқтадан утиб, расмли текисликда кесишишидан нуқталар проекциясининг позитив ёки нигатив тасвирини ҳосил қилади.

Тузилган план ва хариталар маълум бир масштабга эга бўладилар. Масштаб, харитадаги чизик узунлигининг жойнинг тегишли чизик узунлиги горизонтал проекциясига нисбатан айтилади. Суғориладиган минтақаларда жойлашган хўжаликларни планлари одатда 1:10000 масштабда тузилади.

Харита ва планларда жой тафсилотини (аҳоли пунктлари, ўсимликлар, йуллар, дарёлар, кўллар) ва ҳар хил объектларни белгилаш учун шартли белгилардан фойдаланилади.

Хамма масштаблар учун шартли белгилар мутассади ташкилотлар томонидан ўрнатилади ва хамма бажарувчилар учун уларни қўллаш мажбурий бўлади. Шартли белгилар харитани ўқиш, яъни тасвирланган жойни тушуниш имконини беради. Хамма шартли белгилар тўрт майдон (масштаб) ли, масштабсиз, чизикли ва изохловчи турларга бўлинади.

Жойда котта майдонни эгаллаган ва харита масштабида ифодаланадиган объектлар масштабли шартли белгилар билан тасвирланади. Агар жой объектни харита масштабида ўзининг кичиклиги туфайли ифодаланмаса, унда масштабсиз шартли белгилар қўлланилади. Чизикли шартли белгилар йуллар, алоқа ва электр узатиш линиялари ва бошқалар киритилади. Изохловчи белгиларда объектларда тавсифлари ҳар хил ёзувлар ва объектларнинг ўз номлари билан кўрсатилади. Топографик хариталар кўк рангли қилиб нашр қилинади, гидрография (дарё, кўллар) хаворанг, ўсимликлар яшил, шессели йуллар қизил ранг, яхшиланган йуллар сарик, рельеф элементлари жигаррангда тасвирланади. Бундай бўяш объектларни ўқишни осонлаштиради.

Барча мавжуд хариталар одатда икки турга умумтасвирли(масштаби 1:1000000дан майда) ва топографик (масштаби 1:1000000дан катта) турларга бўлинади.

Масштаб 1:1000000, 1:500000, 1:300000, 1:200000 бўлган хариталар умумтасвирли топографик хариталар дейилиб, йирик масштаб хариталар бўйича тузилади. Масштаблари 1:100000, 1:50000, 1:25000, 1:10000, 1:5000, 1:2000 бўлган хариталари топографияли дейилади ва худудларнинг съёмкалари натижалари бўйича тузилади.

Топографик хариталар бошқаларидан мазмуни, жойни батафсил ўрганиш имконини бера олиши, рельеф ва тафсилотларни тасвирлаш аниқлиги билан фарқланади. Шу сабабли улар халқ хўжалигида, инженерлик иншоотлари кидирувлари, лойихалаш ва қурилишида ҳамда ер тузиш, ер кадастрини юритиш каби кўп масалаларни ечишда, энг мухими мамлакат мудофасини ташкил этишда қўлланилади.

2.3 Геодезия – картография давлат кадастрининг мазмуни , таркибий қисмлари ва тамойиллари.

Геодезия - картография давлат кадастри (ГКДК) Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисоблангани ҳолда, аҳамиятига ва махсус аҳамиятга молик бўлган геодезия – картография ишларини оқилона ташкил этиш, ушбу ишларни зарурат туғилган ҳолларда ўз вақтида юқори сифатда бажарилишини таъминлаш мақсадида уларни хўжалик ва ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш, геодезик ҳужжатларни ҳисобга олиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириш асосида юритилади.

Давлат аҳамиятига молик бўлган геодезия ва картография ишлари жумласига қуйидагилар киради:

- ер шарининг ва ташқи гравитацион майдоннинг параметрларини аниқлаш;
- давлат топография харажатлари ва режаларини график, рақамли, фотографик ва бошқа шаклларда яратиш, янгилаб туриш ва нашр қилиш;
- Ерни масофадан туриб зондлаш ва геодинamik тадқиқ қилиш;
- давлат геодезия ва нивелир тармоқларини яратиш, ривожлантириш ва иш ҳолатида ушлаб туриш;

- Ўзбекистон Республикасининг картография – геодезия фондини шакллантириш ва уни бошқариш;
- географик ахборот тизимларини яратиш ва уни бошқариш;
- умумий географик, сиёсий-маъмурий, илмий-ахборот берадиган ва бошқа тармоқлараро аҳамиятга молик тематик хариталар ва атласлар, ўқув картография қўлланмалари тузиш ва нашр қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари делимитация, демаркация қилинишини ва давлат чегараси чизиғининг ўтиши текширилишини геодезия, типография, картография ва гидрография жихатидан таъминлаш;
- геодезия, типография ва картография ишларини метрология жихатдан таъминлаш;
- географик номларни стандартлаш, ҳисобга олиш ва уларнинг қўлланилишини тартибга солиш;
- геодезия ва картография техникасини қўллаб ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Юқорида қайд қилинган ишлар билан бир қаторда махсус аҳамиятга молик геодезия ва картография ишлари ҳам бажарилади.

Бундай ишларга қуйидагилар киради:

- шаҳарлар, аҳоли пунктларининг, турли объектлари қурилиши участкаларининг бош режаларини, ер ости тармоқларини ва иншоотлар лойиҳаларини тузиш, бинолар ва иншоотларни қурилиш участкаларига боғлаш, шунингдек, бошқа махсус ишларни бажариш учун мўлжалланган типографик режаларни яратиш ва уларни янгилаб туриш;
- махсус аҳамиятга молик тематик хариталар атласлар нашр қилиш;
- муҳандислик кидирув ишлари, турли иншоотларни қуриш ва улардан фойдаланиш, ер участкаларининг чегараларини ажратиш ва бошқа кидирув ишлари чоғида геодезия, типография ишлари, аэро суратга олиш ва бошқа махсус ишларни бажариш.

Геодезия картография давлат кадастри юқорида санаб ўтилган давлат аҳамиятидаги ва махсус аҳамиятга эга бўлган геодезия-картография

ишларини рўйхатга олишни, микдор ва сифат жихатдан ҳисобга олишни, мавжуд геодезия пунктлари ва бажарилган ишларни иқтисодий баҳолашни, шунингдек, геодезия – картографияга оид бўлган маълумотларни бир тизимга келтириш, янгилаб туриш ҳамда уларни фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия фонди Геодезия картография давлат кадастрининг объекти ҳисобланади. Бу фонднинг таркибини, қоидага биноан, давлат ва идоравий картография-геодезия фондлари ташкил этади. Давлат картография-геодезия фонди умумдавлат, тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган материаллардан (маълумотлардан) ташкил топади ҳамда геодезия ва картографияга оид фаолиятни бошқарувчи орган ихтиёрида бўлади.

Идоравий картография-геодезия фондлари махсус аҳамиятга эга бўлган материаллардан ташкил топади ва тегишли органлар ихтиёрида бўлади. Давлат картография-геодезия фондининг материалларини учинчи шахсларга беришга ва улардан нусхалар олиш ихтиёрий ана шу материаллар бўлган органларнинг рухсатисиз йул қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ўзлари яратган геодезия ва картографик материалларнинг бир нусхасини тегишли картография-геодезия фондларига беришлари шарт.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан материалларнинг тегишли картография-геодезия фондларига берилиши, ана шу материаллар ва маълумотларнинг сақланиши ва улардан фойдаланилиши устидан давлат геодезия назоратини, идоравий картография-геодезия фондларининг давлат реестрини юритишни геодезия ва картографияга оид фаолиятни бошқарувчи орган амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида геодезия ва картографияга оид фаолиятни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар ушбу

фаолиятни бошқарувчи орган Геодезия картография давлат кадастрининг субъектлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия , картография ва давлат кадастрлари Бош бошқармаси (Узгеодезкадастр) топография-геодезия ва картография ишларини, шунингдек уларнинг бажарилиши устидан давлат геодезия назоратини амалга оширувчи орган ҳисобланади.

Бош бошқарма асосий вазифаларига мувофиқ қуйидагиларни амалга оширади;

- Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги баландликларнинг ягона тизимида топография, геодезия, инженерлик геодезияси ва аэрокосмик суратга олиш ишларини бажариш;

- Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурс имкониятларини энг тўлиқ ва ишонарли ифодаловчи тематик, географик, табиатни муҳофоза қилиш ва бошқа махсус карталар, планлар ҳамда атласларни аэрокосмик ва кадастр ахборотларини қўллаган ҳолда яратиш, шунингдек табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид тавсияларни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги табиий ресурслар ва кўчмас мулкларнинг географик, ҳуқуқий, ҳўжалик, экологик ва иқтисодий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, тартибга солиш, таҳлил қилиш, сақлаш ва янгиллаб туриш жараёнларини бошқариб туришнинг яхлит тизими сифатида Ўзбекистон Республикаси минтақалари, шаҳарлари ва шаҳарчаларининг мажбурий кучга эга бўлган давлат кадастрлари ягона тизимини, геоахборот тизимларини яратиш ва юритиш;

- солиқ ставкаларини аниқлаш учун ер ва кўчмас мулкни кадастр рақамларини шакллантириш, ҳудудларни баҳолаш ва районлаштиришни амалга ошириш, шаҳарлар ва шаҳарчалар кўчмас мулклари кадастрини яратиш мақсадида кўчмас мулкларни юридик ва жисмоний шахсларга расмийлаштириш тадбирларида қатнашиш;

- манфаатдор идоралар билан бирлаликда Давлат кадастрлари ягона тизимини ва кадастр маълумотларидан фойдаланиш тартибларини яратиш ва юритишга оид конунчилик ва меъёрий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқиш;
- координаталар ва баландликларнинг ягона тизимларини сақлаш ҳамда аниқлаш соҳасида яқин хорижий давлатларнинг геодезия, картография ва кадастр хизматлари билан илмий-техника ҳамда ишлаб чиқариш алоқаларини ўрнатиш, геодезия ва картография махсулотларига меъёрий – техникавий талабларни келишиб олиш ва биргаликда ишларни бажариш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини белгилашда, харитага олишда ва демаркация қилишда қатнашиш;
- вилоятлар, туманлар, маъмурий ва бошқа ҳудудий тузилмалар чегараларини доимий белгилар билан белгилаш ва уларни юридик жихатдан расмийлаштириш ҳамда геодезик белгилаш учун чегаралаш хайъатлари ишларини ташкил қилишда қатнашиш;
- манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларни зарурий геодезия, картография ҳамда кадастр маълумотлари ва асослари билан шартнома асосида таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг картография-геодезия, аэрокосмик кадастр ахбороти давлат фондини ташкил қилиш ҳамда юритиш ва бошқалар.

2.4 Транспортдан фойдаланганда хавфсизликни таъминлаш

2.4.1. Транспорт ташиш ишларида жароҳатланишнинг тақсимланиши.

2.4.2. Хавфлилик даражаси бўйича юкларнинг бўлиниши.

2.4. Транспорт ишларида техника хавфсизлиги.

Юклаш-тушириш ишларида техника хавфсизлиги.

Ўзи юрар машина ва агрегатлар ўлим билан тугайдиган жароҳатларнинг асосий манбаидир. Бу воситаларда умумий жароҳатланишнинг 60-66% ўлим билан тугайди, шундан 27% гача жароҳатланиш ғилдиракли тракторларга, автомобилларга 20% тўғри келади. Транспорт-йўл фалокати ўлим билан тугайдиган жароҳатлар 46-48%

атрофида кузатилади, шундан ўтишда - 20-22%, тўнтарилишда - 15-16%, тўкнашишда 6-7%.

Қишлоқ хўжалигида транспорт ишларида жароҳатланишнинг миқдори 35% қайд қилинган. Юклаш, ташиш ва туширишда хавфлик даражаси бўйича юklar 7 та гуруҳга бўлинади:

1-гуруҳга кам хавфли юklar киради (қурилиш материаллари, мева, сабзавотлар, озиқ-овқатлар, эҳтиёт қисмлар), яъни идишда ва идишсиз ташиладиган материаллар .

2-гуруҳга ёқилғи материаллари (бензин, ёғ, керосин, дизел ёқилғиси) бунда юклаш-тушириш ишлари механизациялаштирилади.

3-гуруҳга иссиқ ва чангланувчи юklar киради (битум, асфалт, мин. ўғитлар, цемент) бу юklarни юклаш-тушириш ҳам механизациялашган бўлиши керак. Иссиқ юklar металлсимон кузовларда ташилиши керак.

4-гуруҳга агрессив суюқликлар (кислота ва ишқорлар). Сиқилган газлар билан тўлғазилган баллонлар (ацетилен, пропан, кислород).

5-гуруҳга юklar киради. Баллонлар бир қатордан ортиқ юклатилганда улар орасига прокладкалар қўйилиши керак. Кузовлар стеллаш ва кигизлар билан жиҳозланиши керак.

6-гуруҳ юklarга ўлчамлари бўйича хавфли юklar киради (транспорт воситаларининг кузовидан узун бўлган юklar). Агар юк 6м дан ортиқ бўлса уни тркамага маҳкамлаш керак.

Тез ёнувчи, портловчи ва заҳарли газлар ўта хавфли юklarга киради ва 7-гуруҳга таълуқлидир. Бу юklarни ташиш махсус инструкция ва рухсат асосида амалга оширилади. Юклаш - тушириш кишиларни инструкцияш ўтказилагандан кейин бажарилади. Юklar массаларига қараб 3-та категорияга бўлинади: 1- категорияга 80 кг. гача ; 2-категорияга: 80-500 кг; 3-категорияга 500кг дан ортиқ бўлади. Юқорида айтиб ўтилаган юklarнинг хавф даражаси ва категориялари транспорт ва юклаш-тушириш ишларида албатта этиборга олиш керак.

Транспорт воситаларини эксплуатация қилганда хавфсизлик асосан ишни тўғри ташкил қилиш ва автомобил, тркама ва бошқа воситаларнинг техник ҳолатини системали назорат қилиш билан амалга оширилади. массивларда транспорт ишларини тўғри ташкил қилиш қўйидаги тадбирларни амалга ошириш билан тامينланади:

- Транспорт воситаларини эксплуатация қилишда хавфсизликни тامينлаш учун жавобгар шахсларни ва мутахасисларни тайинлаш;
- автомобил, тркамали ва тузилмаларнинг техник ҳолатини системали назорат қилишни ташкил қилиш;
- транспорт воситаларига хизмат қиладиган ишчилар устидан ишлаб чиқариш интизомини ҳар куни назорат қилишни ташкил қилиш;
- Ишнинг хавфсиз методларини ўрганиш бўйича транспорт воситалари ҳайдовчиларига систематик равишда дарслар ўтказиб туриш.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирлар ичида энг муҳими ишлаб чиқариш интизомини ҳар куни назорат қилишдир. Транспорт ишларига оз бўлсаям маст ҳолдан, касалланган (t-си баланд) ва олдинги ишдан чарчаб келган кишилар рухсат қилинмайди. Автомобилларни техник эксплуатация қилиш қоидаси бўйича, озгина камчилиги бўлган воситалар ишга қўйилмаслиги керак. Рул бошқармасининг созлигини текширганда рул чамбарагининг эркин ҳаракатига эҳтибор қилиш керак. Созлагандан кейин бу ГАЗ автомобилларда 10° гача, ЗИЛ ларда 15° гача люртомер билан ўлчаганда. Ўйла ҳаракати қоидаси бўйича рухсат қилинган эркин ҳаракат 25° ни ташкил қилиши керак. Яна автомобилларда 2-муҳим объектлардан бири тормозлаш системасидир. Тормоз системаларининг носозлиги ҳар доим авария ва бахтсиз ҳодисаларни олиб келади. Агарда автомобиль тормоз системаларида қўйидаги камчиликлар бўлса уларни ишга қўйиш рухсат қилинмайди:

- тормоз системаси ишламаса;
- агар педални бир марта босганда тўла тормозланиш бўлмаса, ёки бир неча марта босгандан кейин тўла тормозланса ;

- агар тормоз системаси босгандан кейин, 4 та ғилдираклар ҳам бир вақтда тўхтамаса;

Тормозлар йўл участкасининг қаттиқ қопланган жойларида текширилиши керак. Юк автомобиллари максимал рухсат қилнган массада (8 тоннагача) ва тезликда 30 км/с қийинчиликсиз педални бир марта босганда, 9,5 метрдан кўп бўлмаган йўлни босгандан кейин тўхташи керак.

Бундан ташқари тормоз системасида қуйидаги нуқсонлар бўлиши мумкин:

- ҳаво билан ишловчи тормозларда герметизациянинг бузилиши, бу системада двигател ҳаво ўлчагандан кейин босимнинг тушиши билан аниқланади (босимнинг тушиш 1 соат ичида 100 к Па кўп бўлмаслиги керак).

- пневмо системада манометрнинг носозлиги;

- гидро тормозларда суюқликнинг оқиши;

Юк автомобилларида шиналарнинг протектори ёйилганда, ҳамда шинада ёрилиши ёки очиқ тешиклар бўлса рейсга чиқиш мумкин эмас.

К-700 ва Т-150 К тракторга қўшиб ишлатиладиган тркамаларда тормоз системасининг ишламаслиги катта хавф туғдиради, яъни тракторни тормозлаганда тормозланмаган тркамалар сурувчи куч тасирида трактор тркамалари тахланиб қолиши мумкин ва бошқаришни йўқотиши мумкин. Яна бу тракторларда қияликларда двигателни ўчириб қўйиш тақиқланади, чунки гидросистема тормозланиш учун етарли таминлаб бера олмайди. Трактор поездларини комплектлаганда тягач билан тркаманинг ажралишини огохлантирувчи сақлагувчи трос ва занжир бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалигида катта қувватли тракторлар (К-700, 701, 150) билан юкларни ташишда бир қанча тркамаларни қўллаш кенг қўлланилади. Бундан трактор поездлари қуйидаги талабларни қондириши керак:

- тркамаларнинг сони тракторнинг тортиш қуввати ва йўл шароитларига қараб аниқлаш керак.

- тркамаларни ўзаро улаш сцепкалари ва тракторга уланиши ишончли бўлиши ва мухофаза трослари ҳам бўлиши керак.

- тормоз системаларини бошқариш ва кузовни кўтариш механизмлари трактор бошқарувчининг иш жойидан бошқарилиши керак.

Транспорт ишларида энг жавобгарлик ишлардан бири одамларни ташишдир.

Техника хавфсизлиги қоидалари бўйича одамларни трактор тркамаларида, самосвал-автомобилларда ва махсус бортлар билан жиҳозланмаган машиналарда ташиш қатъян ман қилинади. Одамларни доимий ташиш учун ҳар бир хўжаликда махсус автомобиллар бўлиши керак. Кузовда ўтириш учун бортнинг юқори чеккасидан 15 см паст скамейкалар ўрнатилиши керак. Скамейкалар орасидаги масофалар 60 см дан кам бўлмаслиги керак. Охирги скамейкада эса баланд суянгич бўлиши лозим. Агар скамейкалар ён бортларга бўйлама жойлаштирилган бўлса, унда охиргиси кўтарилиши ёки скамейкага спинка қўйиш керак. Яна кузов устидан тент ўрнатиш даркор. Одамларни чиқариш ва тушириш учун ташланадиган нарвонча бўлиши керак. Ташиладиган одамларнинг сони кузовдаги ўринлар сонидан кўп бўлмаслиги ва йўл варақасига номини ёзиб қўйилган бўлиши лозим. Одам билан кетаётган автомобилларнинг тезлиги 50 км/ч.дан катта бўлмаслиги керак. Ҳайдовчи юқори квалификацияси ва камида 3 йил шу соҳада узлуксиз стажга эга бўлиши лозим.

Қиш пайтларида музлаган дарёлардан ўтиш қоидаларига қаттиқ риоя қилиш керак. Бахтсиз ходисаларнинг олдини олиш учун музнинг қалинлигини шахсан бош инженер текшириши керак.

Музнинг тахминий қалинлигини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$h = k \cdot \sqrt{Q}$$

бу ерда Q – транспорт оғирлиги

K - уч кунда хавонинг t -сини ҳисобга олувчи коэффицент.

Ғилдиракли транспорт воситалари 10-11 занжирли и 9...10.

Муздан ўтаётганда автомобил эшиклари очик ҳолда бўлиши, тракторларда эса эшиклар очик ҳолда маҳкамланган бўлиши керак. Ҳаракат

тезлиги 3 км/с дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Муз устида тўхташ ман қилинади.

Транспорт жараёнларини ташкил қилувчи қисмларидан бири юкларни юклаш ва тушириш ишларидир. Бу ишлар қишлоқ хўжалигида энг оғир ҳажмли ишларга киради. Қўлда юклаш ва тушириш ишларига хавфсизлик қоидалари бўйича инструктордан ва медицина кўригидан, ҳамда шу ишларни бажариш рухсатномаси бўлган шахслар қўйилади. Ҳайвонлар ва ҳайвон хом-ашёларидан бўлган юкларни юклаш ва тушириш учун одамлар профилактик прививкадан ўтишлари лозим бўлади.

***3-боб. “Ўзбекистон мустақиллиги”
массивида картография-геодезия кадастрини
юритиш натижалари.***

3.1 Геодезия-картография давлат кадастрини юритиш.

Геодезия – картография давлат кадастри қуйидаги тамойиллар асосида киритилади:

1. республиканинг бутун ҳудудини қамраб олиш;
2. координаталар ва баландликларни ягона тизимини қўллаш;
3. геодезия – картография ишларига марказлашган раҳбарлик;
4. геодезия – картография бўйича бажариладиган ишларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва тўлаллиги;
5. геодезия – картография ишларининг бажарилиши устидан давлат геодезия назоратини амалга ошириши.

Ўтказилиши мазмуни ва тартибига қараб геодезия – картография давлат кадастри асосан шакл турга бўлинади: асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик).

Асосий кадастрнинг вазифаси геодезия ва картографияга оид ишларнинг ҳўжалик ҳамда ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни бирламчи сифатида олиш ва қабул қилинган кадастр ҳужжатларида ёритишдан иборат.

Қайд қилиш зарурки, геодезия – картографияга оид ишлар, жумладан картографик материаллар маълум вақт ўтиши билан эскиради.

Картографик материаллардаги ҳолатлар ўзгаради. Қанчалик кўп вақт ўтадиган бўлса бу материалларнинг эскириши шунча кўп бўлади. Ушбу кадастр материалларини (маълумотларини) шу куннинг талаби даражасида ушлаб туриш учун ва бу ўзгаришларни кадастр ҳужжатларида ўз вақтида ёритиш мақсадида жорий (кундалик) кадастр ишлари ўтказилади.

Жорий кадастрнинг вазифаси асосий кадастр ишлари ўтказилганидан сўнг геодезия-картографияга оид ишлар таркибида юз берадиган ----- ўзгаришларни аниқлаш ва кадастр ҳужжатларига туширишдан иборат.

Бундан ташқари, бошланғич ёзувлардаги хатоларни тузатиш ва замон талабларига мос равишдаги қўшимча маълумотларни ҳам киритиш жорий кадастрнинг вазифасига киради.

Юқорида қайд қилинганлардан келиб чиққан ҳолда геодезия-картография давлат кадастри қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш;

геодезия пунктларини ҳисобга олиш;

геодезия-картографияга оид ишларни иқтисодий баҳолаш.

аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрокимё, геоботаника, геология, гидрогеологияга оид ва бошқа изланишлар ва тадқиқотларни ўтказиш, геодезия пунктларини, геодезия ва картографияга оид божарилаётган ишларни ҳисобга олиш ва баҳолаш, турли юридик ва жисмоний шахслар томонидан геодезия-картографияга оид бажарилган ишларни рўйхатга олиш;

геодезия-картографияга оид ишлар, турли геодезия пунктларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш;

жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ва хариталар тайёрлаш ҳамда бошқа материаллардан фойдаланган ҳолда геодезия-картографияга оид маълумотла мажмуини яратиш ва тартибга солиб туриш.

Геодезия-картография давлат кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастрлари Бош бошқармаси ҳамда унинг махсус корхоналари томонидан амалга оширилади.

Геодезия-картография давлат кадастрини юритиш соҳасида Бош бошқармага қуйидаги ваколатлар берилган:

Давлат кадастрлари ягона тизимига тақдим этиладиган геодезия-картографияга оид ишлар бўйича ахборотларнинг таркиби, ҳажмлари ва уларга қўйиладиган техник талабларни белгилаш;

Республиканинг бутун ҳудуди бўйича геодезия-картография давлат кадастрини юритилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ергеодезкадастр давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар ва ташкилотлар билан биргаликда турли кадастрларни


ташкил этиш ҳамда юритиш учун зарур бўладиган ташкилий ишларни бажарилишида қатнашиш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасини мустақиллиги давлат сифатида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини таниётганлигини, мамлакатда эса бозор иқтисодиётини қарор топаётганлиги ўз навбатида геодезия – картографияга оид ишларга бўлган талабни кескин оширмоқда. Негаки яратилаётган давлат кадастрлари ягона тизимлаги барча кадастрлар бирини навбатда геодезия – картография материаллари (маълумотлари) билан таъминланиши зарур. Бундан ташқари, давлат чегараларини аниқлаш, уларни демократия қилиш ҳамда даҳлсизлигини таъминлаш, халқ хужалиги мақсадлари учун турли туман юқори сифатли план – картографик материаллар тайёрлаш ҳам айнан геодезия – картографияга оид ишларни кенг қўламда олиб бориш заруриятини туғдиради.

3.2 Картографик генерализация ишларини олиб бориш

MapInfo нинг дастурий воситалари билан кўпбурчакли чизиқларни силиқлаш, юзали объектлар (полигонлар) ўртасида автоматик генерализация ишларини амалга ошириш мумкин.



"Кўпбурчакли объектларни силиқлаш" командаси ёрдамида синиқ чизиқларни ёй кўринишга ўзгартириш мумкин. **MapInfo** синиқ чизиқни генерализация қилишида бурчаклар ўрни ёйлар билан бирлаштирилган узлуксиз

чизиқ кўринишга эга бўлади. Бурчак ва чизиқларни силиқлаш учун аввал

силлиқланмоқчи бўлган синиқ чизикларни танлашимиз, сўнгра бош менюда "Объектлар" → "Бурчаклар силлиқлансин" "Сгладить углы" банди танланади. MapInfo да полигонлар ва синиқ қизиклар генерализация қилинаётганда "Бирлаштириш ва генерализация" "Совмещение и генерализация" менюси ишлатилади.

Бунда қуйидаги цензларни ўрнатиш зарур:



— Кўрсатилгандан кам масофада жойлашган турли объектлар тармоқларининг бирлаштирилиши.

Бирлаштириш ва генерализация (умумлаштириш) менюси

— Агар ҳар-хил объектларга тегишли тармоқлар бир-бирига яқин жойлашган бўлса, улар бирлаштирилади.

— Устма-уст тушадиган тўсувчилар ва полигонлар орасидаги бушлиқлар сонлари камайиб, "камоматлар" "недоводы" тузатилади.

"Бирлаштириш ва генерализация" менюсини очишдан олдин




Объектларни генерализация қилиш ва синиқ чизикларни силлиқлаш.

генерализация жараёни ўтказиладиган қатламларни танлаш лозим, яъни юзали ва синиқ чизикларни, сўнгра бош менюдан "Объектлар" "Объекты" → "Бирлаштириш ва генерализация" "Совмещение и генерализация" менюсини экранда кўрсатиш зарур. Албатта, бундан аввал ценз ва норма

кўрсаткичлари белгиланган ёки ўрнатилган бўлиши керак.Объектларни генерализация қилиш ва синиқ чизикларни силлиқлаш мисоли 29 — ва 29.1 — расмларда келтирилган.

Генерализация жараёнини фақат бир қатламда турган объектлар учунгина қўллаш мумкин. Турли объектлар тармоқлари бирлаштирилишда, генерализация функциясига амал қилиш оқибатида, майдони кичик бўлган объект каттароқ объект билан бирлашмай балки унинг чегараси томонга



тортилади. Объектларни бирлаштириш учун эса бош менюнинг "Объектлар" "Объекты" → "Бирлаштирилсин"

"Объединить" банди танланади. Натижада "Маълумотларни умумлаш" "Обобщение данных" менюси пайдо бўлиб, бунда

маълумотлар базасидаги шу объектлар ҳақидаги ахборотларни бирлаштирадиган қоидаларни танлаш ва ундан кейин "ОК" тугмасини тасдиқланади.

Объектлар маълумотларини умумлаштириш (жамлаш) услуги

1) “Бўш” "Пусто"— устунлари бўш қолдирилади. Ҳамма устунларни очик қолдириш учун маълумотлар йўқ байроқчасини ўрнатиш керак.

2) “Қиймат” “Значение”— янги ёзув хошияси ёнидаги дарчага киритиладиган қиймат жойланади.

3) “Жами” “Сумма”— умумлашаётган ёзувларнинг ҳамма қийматларини қўшиш учун хошияли сонлар учун қўлланилади.

4)“Ўртача” “Среднее” – сонли хошиялар учун ишлатилади. Умумлаштирилган қийматлардан ўртача миқдорни ҳисоблаш. Агар Сиз шу услубни танлаб, “оғирлик” "вес" менюсида "йўқ" "нет"сўзини қолдирсангиз,

MapInfo оддий ўртача қийматни ҳисоблайди. Агар шу менюдаги устун танланса, ундаги қийматлар ўлчанганнинг ўртача қийматини ҳисоблаш учун коэффициентлар сифатида фойдаланилади.

5) “Вазн” “Вес” → меню “Ўртача” “Среднее” услуб танлангач, ишлаш имконияти бўлади. Рўйхатдаги ўлчанган ўртача катталикларни ҳисоблаш учун вазн коэффициентлари олинган устун танланади. Ҳар бир ёзув қийматини шу ёзув қиймати вазни устунидан олинган қийматга кўпайтирилади. Бундан кейин кўпайтмалар қўшилиб, сўнгга йиғинди умумлаштирилади ёзувлар сонига бўлинади. Ўртача вазнли сон шундай олинади. Стандарт ўртача катталиклари ҳисоблаш учун “Вазн” “Вес” менюсида “Йўқ” “Нет” сўзини ўрнатиш лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, объектларни генерализация қилишда дастурнинг имкониятлари унча катта эмас. Майдон бўйича объектларнинг кўсаткичи берилган ценздан кам бўлса, улар олиб ташланади. Дастур бундай ишни яхши бажаради, лекин бошқа ҳолларда бундай иш қониқарсиз бажарилади. Генерализация ишларида яхши натижаларга эришиш учун ҳар бир объектни алоҳида — алоҳида қўл билан таҳлил қилиш мосламалари ёрдамида хатоларини тузатган маъқул. Бу ишни эса кўп ҳолларда бажариб бўлмайди.

Векторли объектларни мазмун жиҳатидан тўғри келишлигини текшириш

MapInfo тизимида юзали объектларни (полигонларни) типологик мослигини ва уларнинг топологик жиҳатдан тўғрилигини текшириш имконияти мавжуд.

Дастур полигонларнинг типологик мослигини текшириш жараёнида аралаш ҳудудлар чегарасида учрайдиган ҳамма кесишган ва устма-уст тушган жойларни ажратиш имконини беради.

Юзали объектларнинг (полигонларнинг) типологик тўғрилигини текшириш “Полигонларни текшириш” *“Проверка полигонов”* менюси

йўқотиш (ўчириш) муолажаси режимларни текшириш функциясига ўхшаш бўлиб, текширув натижасида ҳамма кесишишлар йўқотилади.

Полигонлар ўртасидаги бўлимларни йўқотиш муолажаси ҳар хил сабабларга кўра бирлашмаган ёки ўзаро кесишишга эга бўлмаган, объектидаги ортиқча тармоқларни йўқ қилиш, агар уларнинг типологик юкламаси бўлса, объект тармоқларига автоматик ўриндошлик қилишга йўл беради.

Шундай қилиб, услубий қўлланмада баён этилган карталар яратиш услуги тўла ҳажмли электрон карта тузиш технологик жараёнинг ҳамма босқичларини ўзлаштиришга имкон беради. Иш даврида Сиз айрим ҳолатларга дуч келишингизга тўғри келса, ўқитувчи ёки курсни кузатиб боровчи мухандис — дастурчи маслаҳатидан фойдаланишингиз мумкин.

Картанинг легендасини ишлаб чиқиш. Картани яратиш услуги ва танланган картографик усулга асосланган ҳолда картанинг легендасини ярим автоматик равишда тузиш мумкин. Бундай вақтда MapInfода қуйидаги 5та услубдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: "Ёзувларни тенг сонли равишда тақсимлаш" "Равное количества записей", "Қийматларини тенг тақсимлаш" "Равный разброс", "Табиий гуруҳлар" "Естественные группы", "Дисперслаш асосида" "На основе дисперсии" ва "Квантлаш" "Квантование". Картограмма диапазонлари кўрсаткичларини (оралиқлар қийматларини) зарур бўлганда "Қўл билан" "Вручную" киритиш ҳам мумкин.

"Тенг сонли ёзувлар" "Равное количество записей" услубида ҳар бир диапазонда хариталаштирилаётган кўрсаткичларининг тахминан тенг миқдорли кўрсаткичлари киритилиб диапазонлар яратилади.

"Қийматларни тенг тарқатиш" услубида ёзувлар маълумотларнинг қийматлари тарқалиши нуқтаи назаридан қараб диапазонларга бўлинади. Масалан, жадвалда 1 дан 100 гача бўлган қийматлар мавжуд. Айтайлик, Сиз тўртта бир хил қийматга эга диапазонлари бор мавзули карта яратмоқчисиз. Бундай вақтда дастурда қуйидагича диапазонлар ажратилади: 1-25; 26-50; 51-

75 ва 76 –100.

"Табиий гурухлар" "Естественные группы" ва "Квантлаш" "Квантование" услублари нотекис тақсимланган маълумотларни таҳлил қилишга имкон беради. Табиий гурухлар услубида диапазонлар алгоритм асосида тузилади, яъни алгоритм ҳар бир диапазоннинг ўртача қийматини олади, чунки у ҳар бир диапазон чегарасида маълумотларни бир хилда текис тақсимлаш имконини яратади. Қийматлар дипозонда шундай тақсимланадики, унда ҳар бир диапазоннинг ўртача қиймати шу диапазондаги қийматларга имкон қадар яқин бўлган ҳолатда тақсимлансин. Шундай қилиб, диапазонларни уларнинг ўртача қийматига қараб таърифлаб, диапазондаги маълумотлар қийматлари эса мумкин қадар ихчам гурухлансин.

"Квантлаш" услуби диапазонлар мавзули ўзгарувчиларини маълумотларнинг айрим сигменти бўйича тақсимланишини аниқлайдиган қилиб қуришга йўл беради. Масалан, "Квантлашни" услубини шаҳарлар аҳолисининг вилоят миқёсидаги улушини ифодалашда қўлласа бўлади. Бу ҳолда легендада диапазонларини қуриш учун "Квантлаш" услубидан фойдаланилди, деб кўрсатилмайди. Легендани фақат диапазонларни ифодаловчи номлари сақланадиган қилиб ҳам тузиш мумкин.

"Дисперсиялар асосида" услубидан фойдаланганда иккита ўртача диапазондан ўртача қиймат ажратади, бу диапазонлар ўлчами стандарт четланишга тенг (дисперсиялар).

Бундан ташқари "Қўл билан" услубида диапазонлар кўрсаткичларини ўзимиз аниқлашимиз мумкин.


Рақамли шкалани танлаш учун: $5lgN$ формуладан босқичлар сонини аниқлаш мумкин; бу ерда N -картага олинаётган кўрсаткичлар сони. Область картасини тузишда "Қийматлардаражаси" "*Ранг значений*" графиги билан келишган ҳолда таклиф этилган услублардан бирини танланади.

Мавзули карталарнинг легендаларини тузиш ва уларни жиҳозлаш.

Мавзули картани яратишда MapInfo дастури шартли белгиларни автоматик тарзда яратади. Сиз шартли белгилар тизимининг стандарт кўринишидан фойдаланишингиз ёки уни ўз хоҳишингиз бўйича тузишингиз мумкин. Шартли белгилар тизимига таллуқли диалогни чақириш учун "Шартли белгилар" "Легенда" тугмасини "Мавзули карта яратишнинг 3 тадан 3 қадам" "Создание тематической карты — 3 шага — из 3" диалогда керакли ишларни, яъни картанинг шартли белгилари булимларига ном бериш, белгилар мазмунини ифодалаш, ёки бошқа кўрсаткичларнинг тушунтириш ёзувлари учун шрифт киритиш амалга оширади.


Картанинг компоновкасини ишлаб чиқиш ва унинг нашрга мўлжалланган нусхасини тайёрлаш. MapInfo дастурида компоновка ишлари "Ҳисобот" "Отчёт" дарчасида бажарилади. "Ҳисобот" дарчасида "Карталар", "Рўйхатлар", "Шартли белгиларлар", "Графиклар" дарчаларини ва ранг-баранг матн ва график кўринишдаги ахборотларни (штамп суратини чизиш, рамка ва бошқалар) жойлаштириш мумкин, шу билан бир қаторда, бундай ҳисоботни бошқа ишлар учун намуна шаклда фойдаланиш мумкин.

"Ҳисобот" дарчаси билан унда акс эттирилган дарчалар орасида узвий боғлилик мавжуд, яъни бошқа дарчаларда содир бўладиган ўзгаришлар, бирданига "Ҳисобот" дарчасида акс этилади.



MapInfo да бир нечта нашр бетли ўлчамга эга бўлган ҳисоботлар яратиш мумкин.

26-расм. Хисоб дарчасини яратиш ва унга тасвирни жойлаштириш.



Бўлажак
картанинг макетига
керакли барча
ўзгартиришлар
киритилгандан сўнг уни
принтер, плоттер ёки
бошқа ускунада нашр
қилиш мумкин. Янги
хисоботни яратиш учун
"Дарча" "Окно"— "Янги

хисобот" "Новый отчёт" командаларини бажариш зарур. Диалогда "Дарчаси мавжуд рамкани" "Рамка, содержащая окно" кўрсатиш зарур (26-расм). Натижада босма варақ макетини ифодаловчи "Хисобот" "Отчет" нинг дарчаси очилади.

3.3 Ер кадастрини юритишда геодезик ва картографик маълумотлардан фойдаланиш

График усули аниқлиги аналитик усулга нисбатан пастроқ, чунки жойда ўлчашлардаги хатоларидан ташқари юза ҳисоблаш аниқлигига планларни тузишдаги ва юзаларни планда аниқлашдаги хатолар ҳам таъсир қилади. Бу усул синиқ чизиқли чегараларидан иборат бўлган ер бўлаклари, алмашлаб экиш далалар ва контурлар юзасини аниқлашда қўлланилади. Шунда, қанча ер майдоннинг юзаси кичик бўлса, шунча катта нисбий хато билан унинг юзаси аниқланадиган юзаси катта ер бўлақлар учун эса, масалан, ердан фойдаланувчилар учун бу усулда юзани ҳисоблаш аниқлиги, аналитик усулдаги аниқликка яқинлашади.

Аниқлиги паст, лекин энг кўп қўлланиладиган усул *механик* усул ҳисобланади, чунки бу усул билан тез муддатда кўриниши ихтиёрий бўлган ҳар қандай шаклларни юзаси аниқланиши мумкин.

Жойда ўлчанган чизиклар ва бурчаклар натижалари бўйича ер бўлаклари юзасини аниқлашда геометрик ва тригонометрик формулалари қўлланади. Бу формулалар жуда кўп бўлиб, қуйида энг кўп қўлланиладигани кўриб чиқилган.

Қурилишлар, қишлоқлар билан банд бўлган ер майдонларни, ҳайдалган ерлар, экинзорлар юзаларини аниқлашда, бу бўлақлар оддий геометрик шаклларга, кўпинча учбурчаклар, тўртбурчаклар, камрок трапецияларга бўлиниб, улар юзалари чизикли элементлар (баланлик ва асослар) бўйича ҳисобланган алоҳида шакллар юзаларини йиғиндилари кўринишида аниқланади.

Агар участканинг чегараси бўйича теодолит йўл ўтказилган бўлса, унда участканинг умумий ёки бир қисм юзасини қуйидаги формулалар орқали аниқлаш мумкин.

Учбурчакнинг юзаси икки томон S_1 ва S_2 ҳамда улар орасидаги β_2 бурчак орқали аниқлаш мумкин. 1 – шаклдан маълумки,

$$2P = S_1 h,$$

$$\text{бу ерда } h = S_2 \sin \beta_2.$$

h - қийматинига қўйиб, ҳосил қиламиз

$$2P = S_1 S_2 \sin \beta_2.$$

Тўртбурчак шаклидаги ер участкасининг юзасини ҳисоблаш. Узунлиги маълум тўрт томон S_1, S_2, S_3, S_4 ва икки қарама - қарши бурчаклар β_1 ва β_2 бўйича, формула асосида қуйидагини ёзамиз

$$2P = S_1 S_2 \sin \beta_2 + S_3 S_4 \sin \beta_4$$

Бешбурчак шаклидаги ер участкасининг юзасини ҳисоблаш. Узунлиги маълум беш томон ва уч бурчак p_2, p_4 ва p_5 бўйича, (4.2) формула асосида ҳосил қиламиз

$$2P = S_1 S_2 \sin \beta_2 + S_3 S_4 \sin \beta_4 + S_4 S_5 \sin \beta_5 + S_3 S_5 \sin(\beta_4 + \beta_5 - 180^\circ) \quad (4.4)$$

Олтибурчак шаклидаги ер участкасининг юзасини ҳисоблаш. Олти томон ва тўрт бурчаклар p_2, p_3, p_5, p_6 бўйича (4.4) формула асосида топамиз

$$2P = S_1 S_2 \sin p_2 + S_2 S_3 \sin \beta_3 + S_1 S_3 \sin(\beta_2 + \beta_3 - 180^\circ) + S_4 S_5 \sin \beta_5 +$$

$$+ S_5 S_6 \sin \beta_6 + S_4 S_6 \sin (\beta_2 + \beta_6 - 180^\circ).$$

Ушбу кўринишдаги формулаларни ҳар қандай n - бурчаклар ҳосил қилиш мумкин. Лекин учларининг сони n - ни ошириши формуладаги кўшилмалар сони прогрессия тарикасида ошириб боради, шунинг учун $n > 6$ бўлганда юзаларни полигон учларининг координаталари бўйича аниқлаш формуласидан фойдаланиш тавсия этилади

$$2P = \sum_{k=1}^n Y_k (X_{k-1} - X_{k+1})$$

$$2P = \sum_{k=1}^n X_k (Y_{k+1} - Y_{k-1})$$

бу ерда: $X_1, Y_1, X_2, Y_2, \dots, X_n, Y_n$ - полигон учларининг координаталари бўлиб, уларнинг қийматлари координата ҳисоблаш жадвалидан олинади. Агарда нукталарни координаталари берилмаган бўлса, унда уларнинг қийматларини график йўлда картадан ўлчаб аниқлаши мумкин. Формула орқали юзани аниқлашда оралиқ назорат қуйидаги формулалар орқали бажарилади:

Бу усулни моҳияти шундаки, картада тасвирланган ер майдонлари оддий геометрик шаклларга: кўпинча учбурчаклар ва трапеция ёки тўғри бурчакларга бўлинади.

Қанчалик участкани чегараси кўп бурчаклардан иборат бўлса, шунчалик бу усулни самарадорлиги пасаяди. Шунинг учун бурчакларни сони кўп бўлган участкаларнинг юзасини бу усулда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмас.

Ер майдонининг учбурчакларга бўлинишининг энг яхши варианты шу ҳисобланади, агарда учбурчакларнинг томонлари тенг бўлса.

Агар шакллар юзасини ҳисоблаш учун қўлланиладиган баландликлар ва асослар жойда ўлчанган чизиқлар, масалан, теодолит полигонининг томонларини фойдаланса, унда юза ҳисоблаш аниқлигини ошириш учун ушбу чизиқлар узунлиги планда ўлчамасдан, жойда ўлчанган қийматидан фойдаланадилар.

Ҳар бир учбурчакни юзаси назорат учун икки марта (икки хил асос ва баландликлар бўйича) ҳисобланади. Шунда умумий майдон учбурчакларни ҳисобланган юзасининг йигиндисига тенг бўлади.

Ҳар бир учбурчак бўйича абсолют ҳамда чекли боғланмаслиги куйидаги ифодалар орқали аниқланади

$$\Delta P = P_1 - P_2 \quad ,$$

бу ерда М - план масштабининг махражидаги сони.

Агарда ҳисобланган абсолют хато $|\Delta P|$ йўл кўярли бўлса, яъни $|\Delta P| < \Delta P_{чек}$, унда, уларни ўртача қиймати олинади.

График усулда «Ўзбекистон мустақиллиги» массивидаги фермер хўжалиги ер участкасининг юзани аниқлаш жадвали (1-участкаси)

Учбу- рчак- ларни сони	Асос- лар а	Баланд- ликлар h	Ҳисоб- ланган юза P,га	Абсолют хато, ΔP , га	Чекли хато	Уртача юза P,га
1	2	3	4	5	6	7
	365	602	11,00			
1				0,03	0,12	10,88
	572	380	10,97			
	438	421	9,22			
2				0,03	0,12	9,24
	507	365	9,25			
	300	340	5,10			
;				0,05	0,10	5,12
	330	312	5,15			
	258	365	4,71			
4				0,06	0,09	4,68
	431	216	4,65			

$$P = 29,92 \text{ га}$$

Битирув малакавий ишида планиметр ёрдамида юзани «Ўзбекистон мустақиллиги» массивида картография-геодезия кадастрини юритиш ишлари бажарилди.

ХУЛОСА

Мамлакатимиздаги мавжуд ер ресурсларини ердан фойдаланувчилар ўртасида тақсимот қилишда ер кадастрини юритиш ва бу соҳада геодезик ва картографик маълумотлардан фойдаланиш муҳим вазифа эканлиги битирув малакавий ишининг бажариш жараёнида аниқланди.

Битирув малакавий ишини объекти бўлган Пискент туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигилиги» массиви ҳудудида картография-геодезия кадастрини юритиш, улардан фойдаланиш даражаси ва рўйхатга олиш ишлари ўтказилди.

Шунинг учун битирув малакавий ишини бажаришда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирларига, «Ўздаверлойиҳа» институти Ер кадастри филиали томонидан «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифати, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услуги» (1998) дастуридан ва «Йўриқнома» сидан фойдаланилди.

Бу услубнинг ўзига хослиги ва олиб бориш, ўтказилиши, ҳисоблаш тартиблари ушбу ишда ёритилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш мумкинки ернинг табиий ва қиймат баҳоси жуда кенг миқёсда қўлланилади. Биз битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиқиб, массивда картография-геодезия кадастрини юритиш ва массивда ушбу маълумотлар киритилди. Ҳамма ҳисоб-китоб ишлари якунланиб бўлгандан кейин массив бўйича барча тўпланган ҳужжатлар ва тузилган жадваллар тўпланиб, массив бўйича ҳужжатлар тўплами яратилди ва массивда фойдаланиш учун тавсия этилади.

Демак, ҳар бир массив ҳудуди бўйича юритилса геодезик ва картографик услублардан самарали фойдаланилганда ер фондининг ҳуқуқий, миқдорий ва сифат ҳолати тўғрисида аниқ ҳамда ҳаққоний маълумотлар олиш имконияти бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
2. Методические рекомендации по рыночной оценке городских земель, ГККИНП-18-011-98. Утвержден Главным управлением геодезии, картографии и государственного кадастра при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 24 декабря 1998 г.
3. Методика определения физического и функционального износа зданий и сооружений ГККИНП-18-037-00. - Ташкент: Узгеокадастр, 2001. (утвержден 1 октября 2001 г.).
4. Национальная система оценки имущества Республики Узбекистан. Термины и определения, УДК 002.657 + 002:658.5 Группа Т54.
5. Пакет методических документов по обследованию и оценке зданий и сооружений при составлении кадастра недвижимости. -Ташкент: Узгеокадастр, 1997 г. (утвержден 7 октября 1997 г.).
6. Тўйчиев Н.Ж., Мирхошимов А.М., Плахтий К.А. Кўчмас мулкни баҳо лаш асослари. Ўқув кулланма. - Тошкент: Адолат, 2000.
7. Указания о порядке составления кадастрового дела на объект недвижимости, ГККИНП--18-025-99. - Ташкент: Узгеокадастр, 1999. (утверисденн 30 декабря 1999 г.).
8. Авазбаев С.А. Рациональное использование земель в низовьях Амударьи. Ташкент - Меҳнат. 1990. 154с.
9. Авезбаев С., Волков С.Н., Ер тузиш иктисоди, Янги аср авлоди, 2002
10. Қурбонов Э.Қ., Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р. Ер кадастри асослари. (Ўқув кулланма) – Т. “Тасвир - текст”, 1999. – 75 б.
11. Бобожонов О.Р., Раҳмонов Қ.Р., Ғофиров А.Ж.. Ер кадастри. Ўрта махсус, касб хунар коллежлари учун ўқув кўлланма. «Чўлпон» Тошкент-2002. 158-бет.
12. Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи. / Ўқув кулланма. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001- 224 б.
13. Сайгайдак А.Э. Земельная собственность и рента. - М.: Агропромиздат, 1991. - 80 с.

14. Чертовичский А.С.. Система земельно кадастровой информации. Учебное пособие. Ташкент 1989.
15. Теоретические и методические положения управления земельными ресурсами и формирования системы государственного земельного кадастра. Под. Ред. А.А. Варламов. Монография. Том-II. Москва ГУЗ 2001. 300-стр.
16. Туман (шаҳар) ер кадастри китобини юритиш бўйича кўрсатма. РХ-13-020-00. Тошкент 2000. 30-бет.
17. Усманов М. Ер ва қонун. Тошкент. Адолат, 1994-160 б.
18. Чертовичский А.С. Система земельнокадастровой информации.-Т.: 1989.-81 с.
19. Экономико-математические методы и моделирование в землеустройстве. М.Д. Спектор, А.Л. Желясков. Н.П. Шалдунов. Акмола, 1995. 65-стр.
20. Маслов А.В, Гордеев А.В, Батраков Ю.Г. “Геодезия” М., Недра,1992.
21. Мубораков Х.М, З.Д.Охунов, М.Х.Пармонов. “Инженерлик геодезияси” Т. ТИКХМИИ, 1990.
22. Э.Нурматов, У.Ўтанов. “Геодезия” Ўқув қўлланма Т., Ўзбекистон 2002.
23. Назиров А.Н. “Геодезия” Т, Ўқитувчи ,1984.
24. Ф.М.Рахимбоев, М.Хамидов “Қишлоқ хўжалик мелиорацияси” Т. "Ўзбекистон", 1996.
25. В.М.Голубкин и др. “Геодезия” М., Недра, 1985
26. Н.В.Н.Яковлев. “Высшая геодезия” М., Недра, 1989.
27. Жўраев Д.О. Носирова Д.Р. “Геодезия 1-қисм” Ўқув қўлланма, Т., 2002.
28. “Курс инженерной геодезии” В.Е Ковак, В.Г Ладонников и др. М., Недра, 1986
29. В.Н.Ганшин, Л.С.Хренов. “Таблицы для разбивки круговых и переходных кривых” М., Недра, 1985.
30. “Инструкция по нивелированию I, II, III и IV классов” М., Недра.,1990.
31. Норхўжев К. “Инженерлик геодезиядан практикум” Т., Ўқитувчи 1984й.
32. Қўзибоев Т.К. “Геодезия” Т., Ўқитувчи 1982.
33. Норхужев К. “Инженерлик геодезия” Т., Ўқитувчи 1984.
34. Ер мониторинги Ўқув қўлланма Рахмонов Қ. Тошкент, ТИМИ 2008 й

Интернет сайтлари

www.lex.uz

www.podrobno.uz

www.ziyo.net

www.geodeziya.ru

www.iiasa.ac.at -Modeling Land-Use and Land-Cover Changes

apex@apex-realty.ru

www.rels.obninsk.com

Иловалар